

Зинҳор ёмонлар билан ҳамроҳ бўлма!



09:36 / 12.02.2024 3988

Китоб ўқимай, бирор кишида илм олмай фақат домлаларни зиёрат қилиб, суратга тушиб, кўнглини хушнуд қилиб юриш билан иш битмайди. Имкон даражасида илм олишга, илмда чуқурлашишга ҳаракат ҳам бўлиши керак.

Жунайд Бағдодий ҳикоя қилади: **«Сарий Сақатий ўлим билан олишиб ётган вақтда унинг ҳузурига кирдим. Бош томонида ўтириб, ёноғимни ёноғи устига қўйдим. Шу пайт беихтиёр кўзларим ёшланиб кетиб, битта ёш унинг юзига думалаб тушди. Шунда у кўзини очиб: «Кимсан?» деди.**

«Мен ходимингиз Жунайд бўламан!» дедим.

«Хуш келибсан!» деди у.

Мен эса: «Сиздан кейин менга нафи тегадиган бирорта васият қилинг, ўғит беринг!», дедим.

У деди: «Зинҳор ёмонлар билан ҳамроҳ бўлма! Яхшиларга ҳамсуҳбат бўлиб ҳам Аллоҳдан узилиб қолма!».

Қалблар табиби деган ном билан машҳур бўлган Сарий Сақатий қуддиса сирруҳунинг ўлим тўшагида айтган ушбу ўғитида олам-олам маъно яширинган. Ёмонлар билан ҳамроҳ ва ҳамсуҳбат бўлиш зарарли бўлганидек, доим яхшилар билан қуруқ ҳамсуҳбат бўлавериб, Аллоҳ учун ибодатга фориғ бўлолмаслик ҳамда ўз маънавий оламини бойитиб, руҳан юксалиш учун илм олишдан, маърифатини оширишдан тўсилиб қолиш ҳам яхши эмас экан. Балки, солиҳлар билан меъёрида ҳамсуҳбат бўлиб, ибодат, зикр ва ҳоказолар ила ўз нафсини поклашга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экан.

Албатта, солиҳлару олимларга мухлис бўлиш, улар билан бирга юриб, бирга туриш, хизматларини қилиш яхши, фазилатли амал. Аммо шунинг ўзи кишининг охиратдаги бахту саодатини таъминлашга кафил бўлолмас экан. Яхшиларга ёндош бўлиб юриш инсон учун ўзини ўнглаб олиши, ўша яхшилардан ўрнак олиб, ўз нафсини тарбиялаши йўлида васила бўлмоғи керак. Аксинча, олимлар билан бирга юраверсаю аммо ўз саводсизлигини тугатишга заррача ҳаракат қилмаса, қорилар билан улфатчилик қилиб юрсаю ўзи биргина сурани тажвид билан ўрганишга интилмаса, бу ҳам Аллоҳ берган имкониятларни ишлатмаслик, балки, суистеъмол қилишга кириб қолар экан. Инсон шу тариқа ҳам Аллоҳдан узилиб қолиши мумкин экан.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.